160595

Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак!

Туркистон

Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий газетаси

1995 йил 6 май. Шанба. № 32 (14284) تركستان TURKİSTAN Сотувда эркин нархда

КЕЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ИККИНЧИ СЕССИЯСИ ОЧИЛДИ

СУРАТДА: сессия залида.

С. ЗУФАРОВ олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ИККИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

5 май куни Тошкентда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессияси ўз ишини бошлади. Сессия ишида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов қатнашмоқда. Парламент ишида, шунингдек, республика ҳукумати иштирок этмоқда, унга хорижий мамлакатларнинг Ўзбекистондаги элчихоналари, Ўзбекистон ва чет эл оммавий ахборот воситаларининг вакиллари таклиф қилинган.

Сессияни республика Олий Мажлисининг Раиси Э. Халилов очди.

Сессия қатнашчилари сессиялар оралиғида вафот этган депутат Усмон Мансуров хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб ёдга олдилар.

Сессиянинг кун тартиби тасдиқланди ва унинг котибияти сайланди.

Депутатлар сессиянинг кун тартибидаги биринчи масала — Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари муддатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтириш тўғрисидаги Референдум якунлари ҳақидаги ахборотни тингладилар. Бу ҳақда Референдумни ўтказувчи Марказий комиссия раиси Қ. Аҳмедов маъруза қилди.

Сессияда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Президент ўз нутқида Референдум натижасига кўра 1997 йилдан 2000 йилгача узайтирилган президентлик ваколатлари муддатини давлат бошлиғи лавозимида бўлишлигининг иккинчи муддати деб ҳисоблаш тўғрисидаги масалани қўйди.

Олий Мажлис мазкур баёнотни муҳокама этиб, махсус қарор қабул қилди, ушбу қарор матбуотда эълон қилинмоқда.

Республика Бош вазирининг ҳукумат Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини соқит қилиши хусусидаги аризаси муносабати билан Ўзбекистон Президентининг Вазирлар Маҳкамасининг таркиби тўғрисидаги Фармонини тасдиқлаш ҳақидаги масала кўриб чиқилди. Бу ҳақда Олий Мажлис Раиси Э. Халилов маъруза қилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таркиби ҳақидаги Фармон тасдиқланди.

Депутатлар Олий Мажлиснинг иш тартиби лойиҳасини иккинчи ўқишда муҳокама қилдилар. Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Б. Бўгровнинг шу ҳақдаги маърузаси тингланди. Музокараларда депутатлардан А. Миржалилов, Ш. Зайнобиддинов, Ҳ. Ғойиббоев, Ф. Омонов сўзга чиқдилар. Парламент иш тартиби тасдиқланди.

Олий Мажлис Раисининг ўринбосари А. Қосимов маърузаси бўйича Олий Мажлис қўмиталари ва комиссиялари тўғрисидаги низом қабул қилинди.

Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Б. Шодиева таклифига биноан депутатлар қўмиталар таркибини тасдиқладилар.

Олий Мажлис республика Олий суди аъзолари ва Олий хўжалик судини сайлади. М. Абдусаломов Олий хўжалик судининг раиси этиб тасдиқланди.

Республика парламенти ўз ишини давом эттирмоқда.

(ЎзА).

ВАТАН — САЖДАГОҲ КАБИ МУҚАДДАСДИР

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ИККИНЧИ СЕССИЯСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ассалому алайкум, муҳтарам депутатлар!

Қадрли дўстлар!

Бугун, баҳор фасли ҳаммага янги куч-қувват, ғайрат бағишлаб турган бир пайтда сизлар билан учрашаётганимдан ғоят мамнунман. Одамларимизнинг, халқимизнинг кайфияти хуш бўлса, шу жумладан, халқ вакиллари — депутатларимизнинг ҳам чеҳраси очиқ бўлса, бу ҳол олдимиздаги улкан ва мураккаб муаммоларни ечишда, вазифаларни адо этишда бизга мадад берувчи куч бўлиши шубҳасиз.

Мен бугун сизларнинг диққат-эътиборингизни асосан иккита масалага қаратмоқчиман:

Биринчи масала. Мамлакатимизда ўтказилган умумхалқ Референдуми муносабати билан баъзи бир фикр-мулоҳазаларимни сиз, муҳтарам халқ вакиллари билан ўртоқлашмоқчиман.

Иккинчи масала. Ушбу сессиянинг тарихий сана — фашизм устидан қозонилган Буюк Ғалабанинг 50 йиллиги арафасида ўтказилаётганини назарда тутиб, бу борадаги фикрларимни билдирмоқчиман.

Ҳаммангизга маълум, март ойининг охирида ўтказилган умумхалқ Референдуми давлатимиз ҳаётида тарихий воқеа бўлди.

Референдумнинг якунлари сизларга яхши маълум.

Бу тўғрида Марказий сайлов комиссиясининг раиси Қудратилла Аҳмедов ҳам батафсил ахборот бериб ўтди.

Лекин, бугунги фурсатдан фойдаланиб, Референдум ҳақида гапирар эканмиз, баъзи бир муҳим масалаларга тўхталиб, уларни яна бир бор аниқлаб олишимиз зарур деб ўйлайман.

Авваломбор:

Референдумнинг асосий вазифаси нимадан иборат эди? Уни ўтказишдан кўзда тутилган мақсад нима эди?

Референдумнинг якун-натижалари нимани кўрсатди? Ва биз бу якунлардан қандай хулоса чиқаришимиз даркор?

Биринчидан: Референдум, ҳаётимизнинг асосий қонуни бўлмиш Конституциямиз асосида, содда қилиб айтганда, умумхалқ маслаҳати тарзида ўтказилган тадбир бўлиб, умумдавлат аҳамиятига молик саволга халқимизнинг, сайловчиларимизнинг жавобини аниқлаш мақсадида ўтказилди.

Бошқача айтганда, Референдум воситасида Президент ва парламентнинг ваколат муддатларини мувофиқлаштириш, қонунчилик ва ижроия ҳокимияти тармоқларининг, керак бўлса, бутун халқнинг фаолият бирлигини таъминлаш масаласида сайловчиларимизнинг муносабатини, фикрини билиш мақсад қилиб қўйилган эди.

Яна бир бор шуни такрорлаб айтиш керакки, бугунги кунда Ўзбекистонда сиёсий тизим тикланаётган, ҳокимият турли тармоқларининг фаолияти шаклланаётган масъулиятли бир пайтда уларнинг ҳаракатларини бир-бирига уйғунлаштириш, улар ўртасидаги номутаносибликни бартараф этиш, келгусида низо-адоватларга олиб келиши мумкин бўлган ҳолатларга чек қўйиш — буларнинг ҳаммаси бугунги ва эртанги ҳаётимизнинг ҳал қилувчи масалалари эканини аксарият жамоатчилигимиз, халқимиз тўғри тушунади, яхши англайди.

Агар биз ҳокимият турли тармоқлари ўртасидаги номутаносибликка бепарво қарасак, мана шундай иллатларнинг томир отиб кетишига йўл қўйиб берган бўламиз. Бу эса охир-оқибатда сиёсий ҳаётимизнинг соғлом муҳитига, унинг демократик пойдеворига салбий таъсир кўрсатиши муқаррар. Буни ҳаммамиз бошқа давлатларнинг мисолида яққол кўриб турибмиз.

(Давоми 2-бетда).

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ТАРКИБИ ҲАҚИДА

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига мувофиқ янги сайланган Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилганлиги муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси қуйидаги таркибда тузилсин:

Муталов Абдулҳошим — Ўзбекистон Республикаси Бош вазири

Жўрабеков Исмоил Ҳакимович — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари

Пайгин Юрий Федорович — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари

Саидқосимов Саидмухтор Саидғозиевич — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари

Султонов Ўткир Тўхтамуродович — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ташқи иқтисодий алоқалар вазири

Усмонов Мираброр Зуфарович — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари

Чжен Виктор Анатольевич — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитасининг раиси

Юнусов Рустам Расулович — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари

Ҳамидов Бахтиёр Султонович — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Молия вазири

Ҳаққулов Қайим Жалилович — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Нефть ва газ саноати миллий корпорацияси бошқарувининг раиси

Ғуломова Дилбар Муҳаммадхоновна — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасининг раиси

Алматов Зокиржон — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири

Аҳмедов Рустам Ўрмонович — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазири

Мардиев Алишер Мардиевич — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири

Комилов Абдулазиз Хафизович — Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири

Отаев Валерий Йўлдошевич — Ўзбекистон Республикаси Энергетика ва электрлаштириш вазири

Хусанов Расулмат — Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазири

Гиниятуллин Рим Абдулович — Ўзбекистон Республикаси Мелиорация ва сув хўжалиги вазири

Раҳимов Комилжон — Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазири

Йўлдошев Жўра Ғаниевич — Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири

Салимов Оқил Умурзоқович — Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири

Ҳайитбоев Эркин Қаҳҳорович — Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазири

Каримов Шавкат Иброҳимович — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири

Умурзоқов Баҳодир Ҳамидович — Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазири

Обидов Оқилжон — Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазири

Михайлов Виктор Константинович — Ўзбекистон Республикаси Коммунал хизмат кўрсатиш вазири

Гатаулин Шамил Қодирович — Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси

Набиев Тўлаган — Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раиси

Шоёқубов Тўлқин — Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси раиси

Рўзиев Собиржон Собитович — Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси

Хабибуллаев Пўлат Қирғизбоевич — Ўзбекистон Республикаси Давлат фан ва техника қўмитаси раиси

Шоғуломов Рустам Шомуродович — Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси раиси

Ахмадбоев Акрам Ғуломович — Ўзбекистон Республикаси саноатда ва кончиликда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш Давлат қўмитаси раиси

Хоназаров Абдушукур Абдуҳалилович — Ўзбекистон Республикаси Давлат ўрмон қўмитаси раиси

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича киради.

2. Мазкур Фармон Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тасдиғига киритилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркиби тўғрисидаги Фармонини тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига биноан Вазирлар Маҳкамаси Олий Мажлис олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит этиши тўғрисидаги аризаси қаноатлантирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркиби тўғрисида»ги 1995 йил 26 апрелдаги Фармони тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри,
1995 йил 5 май.

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари муддатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтириш тўғрисидаги Референдум якунларига доир ахборот ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари муддатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтириш тўғрисидаги масала юзасидан умумхалқ овоз бериши якунлари ҳақида Референдумни ўтказувчи марказий комиссия раиси Қ. А. Аҳмедовнинг ахборотини эшитиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Референдумни ўтказувчи марказий комиссия раиси Қ. А. Аҳмедовнинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Таъкидлаб ўтилсинки, Референдум натижалари фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовга юксак ишончидан, унинг раҳбарлиги остида ўтказилаётган давлат мустақиллиги ва хавфсизлигини таъминлашга, мамлакатда демократия ва ҳуқуқни янада ривожлантириш, фуқаролар жамиятини қарор топтириш, бозор муносабатларига ўтиш, халқнинг маънавий янгиланиши, барқарорлик ва ижтимоий тотувликни мустаҳкамлашга қаратилган ички ва ташқи сиёсат, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар йўлини бутун халқ қўллаб-қувватлаётганлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри,
1995 йил 5 май.

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Референдум орқали узайтирилган ўз ваколатларини Президентлик лавозимида бўлишининг иккинчи муддати деб эътироф этиш тўғрисидаги баёноти ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президенти Референдум орқали 1997 йилдан 2000 йилгача узайтирилган ўз ваколатларини давлат раҳбари лавозимида бўлишининг иккинчи муддати деб эътироф этиш тўғрисида қўйган масалани қараб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Таъкидлаб ўтилсинки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 9-моддасига ҳамда Референдум тўғрисидаги Қонуннинг 1-моддасига мувофиқ умумхалқ овоз бериши йўли билан қабул қилинган қарорлар олий юридик кучга эга бўлади. Референдум орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари 1997 йилдан 2000 йилгача узайтирилган муддатни унинг давлат раҳбари лавозимида бўлишининг иккинчи муддати деб эътироф этиш тўғрисидаги таклиф Референдумга киритилган масала доирасидан чиқиб кетади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш киритишни тақозо этади.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 128-моддасига мувофиқ ҳамда 90-моддасига амал қилиб, сайловчиларнинг ушбу масала хусусидаги фикрлари ўрганиб чиқилсин ҳамда таклифлар Олий Мажлис Кенгашига киритилсин. Шу мақсадда иловага мувофиқ таркибдаги комиссия тасдиқлансин.

3. Комиссия ўрганиб чиқилган материалларни белгиланган тартибда умумлаштирсин ва Олий Мажлисга маълум қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри,
1995 йил 5 май.

ОЛИЙ МАЖЛИСНИНГ 1995 ЙИЛ 5 МАЙДАГИ ҚАРОРИГА ИЛОВА

КОМИССИЯ ТАРКИБИ

1. Халилов Эркин Ҳамдамович — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси (комиссия раиси)

2. Ғуломова Дилбар Муҳаммадхоновна — Бош вазир ўринбосари, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасининг раиси

3. Рапиғалиев Бургутали — Наманган вилояти ҳокими

4. Усмонов Соиб — уруш ва меҳнат фахрийлари Қашқадарё вилоят кенгашининг раиси

5. Эшонов Баҳодир Отабоевич — Олий Мажлис Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг раиси

6. Дониёров Улуғбек Худойбердиевич — «Адолат» социал-демократик партияси сиёсий кенгашининг котиби

7. Бобоев Ҳалимбой — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва ижтимоий қурилиш академиясининг проректори

8. Исмоилов Нурдинжон Мўйдинхонович — Олий Мажлис Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари

9. Ҳамидов Хуснидин — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Адабиёт ва тиллар институти шўъбасининг мудири

ВАТАН — САЖДАГОҲ КАБИ МУҚАДДАСДИР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Узоққа бормасдан ўзимизнинг қўшни, ўзини демократик ҳисоблаётган давлатлар мисолида бундай қарама-қаршилик нимага олиб келганини, баъзи давлатлар эса замбарак остида, ўққа тутиб, қонуний парламентларини тарқатиб юборганларида кўриш мумкин.

Бугун Референдумнинг якунлари ҳақида фикр юритар эканмиз, кўпдан-кўп одамлар, дипломатик корпус вакиллари, дўсту бирадарларимиз, рақибу мухолифларимиз унинг натижаларини турлича тахмин қилганликларини айтиб ўтиш лозим. Лекин Референдумнинг натижалари ҳар қандай фараз ва тахминлардан ҳам зиёда бўлди.

Бир қанча шарҳловчилар Референдум натижаларини менинг шахсий муваффақиятим сифатида талқин қилдилар. Аммо бу ўринда барчамизга аён бўлиши керакки, сайловчилар Президентнинг шахсига эмас, аввало, мамлакатимизнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётида содир бўлаётган ўзгаришларга, Президент ва ҳукумат ўтказаётган сиёсатга ўз муносабатларини билдирдилар.

Ҳурматли депутатлар!

Энди Референдум якуни, унинг натижалари ҳақида икки оғиз айтиб ўтмоқчиман.

Биринчи бор тарихимизда ўтказилган умумхалқ овоз бериши, Умумхалқ маслаҳати нимани кўрсатди?

Референдум, авваламбор, халқимизнинг томир-томири, қон-қонида бўлган бағрикенглик, олижаноблик каби юксак фазилатларни, халқимизнинг эътиқоди баландлигини, онги кенглигини яна бир бор тасдиқлаб берди.

Одамларимизнинг асли томир-ўзаги бақувват бўлиб, уларнинг руҳий-маънавий яқинлиги, аҳиллиги, меҳр-оқибатлилиги яна бир карра намоён бўлди.

Шу билан бирга Референдум олиб борилаётган сиёсатга, танлаган йўлимизга фуқаролар ишончининг нақадар мустаҳкамлигини намойиш этди. У бошидан катта-катта қийинчиликлар, етишмовчиликлар, азоб-уқубатларни кечириб турган халқимизнинг машаққатларга мардона бардош бериб, келажакка умид ва ишонч билан яшаётганини ифода қилди.

Тўқсон тўққиз фоиздан зиёд сайловчиларнинг Референдумда иштирок этгани ва қўйилган саволга ижобий муносабат билдирганини бошқа сабаблар билан изоҳлаб бўлмайди. Бунинг илдизи бизнинг ўзлигимизда, халқимизга муносиб улуғ фазилатларида, унинг олижаноблигида деб биламан.

Яна қайтариб айтмоқчиман. Гап менинг шахсимда эмас.

Ишончим комилки, агар менинг ўрнимда бошқа одам етакчи раҳбар бўлиб, бугун юртимизда олиб борилаётган сиёсатни бошқарса, одамларга мана шундай муносабатда бўлса, қалбини, ҳаётини одамларга бағишласа, у ҳам худди шундай ишонч ва ҳурматга сазовор бўлур эди.

Референдумнинг натижасини мен халқимга қилган озми-кўпми хизматларимнинг жавоби деб биламан. Чуқур мамнуният билан айтмоқчиман: агар бу дунёда чексиз ишонч ва юксак ҳурмат-эътиборга сазовор бирор одам бўлса, мен — ўша, кечаю кундуз халқимнинг бахтини, иқболини тилаб худога минг шукроналар айтиб юрган инсонман.

Қадрли дўстлар, бирадарлар!

Яхши биламанки, бундай юксак ишонч мен учун хайр-эҳсон эмас, авваламбор улкан масъулият, оғир мажбурият, шарафли ваколатдир.

Референдумнинг якуни — парламентга, Президентга, барча ҳокимият органларига халқ ишончининг сиёсий белгиси, нишонидир.

Референдумнинг якуни танлаган йўлимизнинг тўғрилиги, демократик жамият қураётган давлатнинг туб ислоҳотларни чуқурлаштириш ва охирига етказиш юзасидан сиёсий мандатидир, белгисидир.

Албатта, Референдум натижаларини баҳолашда бошқача кўз билан қараётганлар ҳам йўқ эмас. Ҳеч қачон бундай кунларга, натижаларга етолмайдиган айрим сиёсий гуруҳ ва доиралар унинг ҳам сиёсий, ҳам маънавий аҳамиятини пасайтиришга уринмоқдалар.

Бизни кўролмайдиган, истиқболимизга ҳасад кўзи билан қарайдиганлар турли найранг ва усуллар билан Референдум натижаларини камситиш ва шубҳа остига олишга интилмоқдалар.

Шу борада яна бир фикрни билдириш ўринли деб ўйлайман. Гап шундаки, Референдум натижасида ўзини доҳий санаб юрган, мансабпараст, амалпараст айрим кимсаларнинг ҳам умидлари чиппакка чиқиб, ҳафсаласи пир бўлганлиги муқаррар.

Азиз дўстлар!

Биз Референдумдан чиқариладиган хулосалар ҳақида тўхталар эканмиз, биринчи ва энг асосий хулоса шуки, юртимизда тинч-тотув, осойишта меҳнат учун вужудга келган шароитни чиндан ҳам қадрлаш ва англашимиз ҳақида гапиришимиз лозим.

Референдум натижаларига суяниб, олиб бораётган сиёсатимизни яна бир бор танқидий таҳлил қилиб, олдимизда турган мақсадларга тезроқ етказадиган, авваламбор, халқимизнинг аҳволини енгиллаштирадиган дастурларни кўриб чиқишимиз керак, деб ўйлайман.

Мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида янги давр бошланмоқда. Кўппартиявийлик асосида сайланган парламент фаолият кўрсатмоқда. Жамиятнинг турли табақалари манфаатларини ифода этувчи партиялар аста-секин ўзлигини англамоқда ва кучга кирмоқда. Улар ўз дастурини халққа етказишга, сафларини мустаҳкамлаб, сиёсий тажриба орттиришга интилмоқда. Бу ҳам ҳаётимизнинг янги қирралари, янги саҳифаларидир.

Мана шундай шароитда юртимиз тақдири, келажагимиз учун ишонч ва қатъият билан курашадиган барча кучларни бирлаштирувчи, кимнинг қайси сиёсий куч ёки партия тарафдори бўлишидан қатъи назар — уларнинг интилишини яқинлаштирувчи нуқталарни топа билиш муҳим аҳамиятга эга. Бу — бугунги куннинг долзарб ва муҳим вазифаларидан биридир.

Халқимизни бирлаштирадиган, кўтарадиган, улуғ мақсадларга чорлайдиган ғояларни аслида оддий ўзлар билан ифодалаш мумкин.

Улар нималардан иборат?

Авваламбор, сохта обрў топишга уриниш, уруғчилик, гуруҳчилик, маҳаллийчилик, ошна-оғайнигарчилик, нафс балосидан халос бўлиб, барча куч-қувватимизни, саъй-ҳаракатимизни, худо ато этган ақл-заковатимизни юртимизда тинчлик, осойишталик, барқарорликни сақлашга жалб қилайлик.

Мустақиллигимизни, давлатчилигимизни мустаҳкамлаш учун, иқтисодиётимизнинг истиқболи, эркин бозор йўлини изчил давом эттириш учун курашайлик.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, унинг фаровон ҳаётини, ҳар бир оиланинг тўкин-сочин дастурхонини таъминлашга шароит яратайлик.

Келажагимизни, давлатимиз, юртимиз тинчлигини, унинг хавфсизлигини мустаҳкамлаш, ёмон кўзлардан асраш ишига ўзимизни бахшида этайлик.

Қани айтинглар, қадрли дўстлар, юртдошлар, диёримизда яшаётган ҳар бир инсон, ким бўлишидан қатъи назар, шу заминда вояга етган, унинг сувини ичган, нонини еган, тузини тотган ватанпарвар, ҳар қандай сиёсий куч — шундай муқаддас мақсадлардан ортиқ яна нимани исташи мумкин?

Ҳурматли дўстлар!

Дунёнинг кўпдан-кўп давлатлари, халқаро иқтисодий-молиявий ташкилотлар мамлакатимизга амалий ёрдам бермоқдалар, юртимизда бўлаётган ижобий ўзгаришларга — ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий ислоҳотларга катта қизиқиш ва ишонч билан қарамоқдалар.

Бўлиб ўтган Референдум узоқ-яқин қўшниларимиз орасида, умумжаҳон миқёсида давлатимизнинг обрўйига обру, халқимиз ҳурматига ҳурмат қўшди.

Давлатимизга, жамиятимизга билдирилаётган мана шундай ҳурмат-эҳтиромни янада мустаҳкамлаш учун тағин бир жиддий масала борки, уни ижобий ечишда сизлардан, муҳтарам депутатлар, ёрдам сўрамоқчиман.

Яъни: бўлиб ўтган Референдум натижасини, барча одамларимиз қўллаб-қувватлаган Президент ваколатлари муддатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтириш масаласини иккинчи президентлик муддати деб ҳисоблаб тасдиқлашингизни сурайман.

Бу таклиф ҳақида, албатта, хабарингиз бор, деб ўйлайман. Шу масалани ижобий ечиб, ҳал қилиб олсак — буни ҳаммамиз тўғри англаб олишимиз керак — бундай қарор Ўзбекистонимизнинг демократик йўлдан дадил қадам қўяётганининг ва демократик нормаларни ҳурмат қилиб иш тутаётганининг яққол тасдиғи бўлур эди. Бундай қарор, албатта, Ўзбекистон обрў-эътиборини, салоҳиятини янада оширишга хизмат қилар эди.

Яна бир бор сиз халқ ноибларининг эътиборини шу масалага жалб қилиб, менинг таклифимни қўллаб-қувватлашингизни илтимос қиламан.

Қадрли депутатлар!

Шу кунларда тараққийпарвар жаҳон жамоатчилиги улкан тарихий сана арафасида турибди. Икки-уч кундан сўнг фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллиги халқаро миқёсда нишонланади.

Шу муносабат билан, аввало, юртимиздаги барча уруш қатнашчиларини, инсониятни фашизм балосидан асраб қолишга катта ҳисса қўшган отахон ва онахонларимизни шу улуғ айём билан чин дилдан қутлайман, уларга сиҳат-саломатлик, бардамлик, хуш кайфият тилайман!

Бугун биз Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаётгани ҳақида сўзлар эканмиз, юртимиз фарзандларининг фашизмга қарши урушда кўрсатган мардлик ва қаҳрамонликларини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз зарур.

Бу хусусда, назаримда, ушбу рақамлар энг ёрқин далил бўла олади.

Иккинчи жаҳон урушига юртимиздан 1 миллион 433230 киши сафарбар бўлган. Бир қараганда, бугун, мамлакатимиз аҳолиси 23 миллионга етган пайтда бу рақам унча катта туюлмаслиги мумкин.

Аммо, бирадарлар, аввало, урушга битта одам кетса ҳам катта мусибатдир. Қолаверса, 1941 йилда Ўзбекистон аҳолиси бор-йўғи 6,5 миллион киши эканини эсласак, республика халқи бошига тушган синовнинг нақадар катта экани яққол кўринади. Агар аҳолининг ярмини болалар ва кексалар ташкил этишини ҳисобга олсак, яроқли одамларимизнинг 50-60 фоизи урушга кетгани аён бўлади.

Улардан 263005 киши ҳалок бўлган. 132670 киши бедарак йўқолган, 60452 киши ўз ўлкасига ногирон бўлиб қайтган.

Бу машъум уруш туфайли энг камида тўрт юз минг оила бевосита айрилиқ азобига дучор бўлган. Қариндош-уруғларни ҳисобласак, бугун мамлакат аҳолиси мотам либосини кийган.

То ҳаёт эканмиз, уларнинг жасорати, ўчмас хотираси олдида, оилалари, фарзандлари олдида таъзим қиламиз, бош эгамиз.

Азиз бирадарлар, Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган барча юртдошларимиз хотираси учун, ўрнингиздан туриб бир дақиқа сукут сақлашингизни сўрайман.

Муҳтарам юртдошлар!

Мамлакат ичкарисида уруш йилларида меҳнат қилган юз минглаб ватандошларимиз чеккан заҳматларни, кексаю ёш оналаримиз, опасингилларимиз қиш қаҳратонида дийдираб, саратон оловида ёниб, ўзи емасдан, ўзи киймасдан топган насибасини фронтга жўнаттанини, азоб-уқубатлар чекиб, фидойилик кўрсатганини эсдан чиқариб бўладими?!

Ўша оғир йилларда, бир бурда нон танқис бўлган йилларда, Ўзбекистон уруш туфайли уй-жойсиз қолган минглаб оилаларга бошпана берди, нон берди, қанчадан-қанча етим-есирларнинг бошини силади. Халқимизнинг инсонпарварлик ва олижаноблик фазилатлари тилларда достон бўлди.

Азиз дўстлар!

Охирги йиллар тарихи, бошимиздан кечган не-не сиёсий ўйинлар, номусини, виждонини йўқотган ҳар хил янги чиққан «доҳий»ларнинг ватан уруши ҳақидаги васвасалари, бўҳтонлари ва чиқишлари аҳолимизнинг, ўзбек халқининг ҳаққонийликка, ҳақиқатга ишончини ҳеч қачон сундира олган эмас.

Такрорлаб айтаман: Иккинчи жаҳон урушига қандай қаралмасин, бу уруш қайси гоя остида ва кимнинг изми билан олиб борилган бўлмасин, ўз ватани, эл-юртининг ёруғ келажаги, беғубор осмони учун жанг майдонларида ҳалок бўлганларни, ўз умрларини бевақт хазон қилган инсонларни доимо ёдда сақлаймиз.

Бу аччиқ, лекин олий ҳақиқатни унутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ ва бунга йўл ҳам бермаймиз.

Уруш йиллари — Ўзбекистон тарихининг узвий бир қисми. Биз тарихимиздан бирор саҳифани ҳам олиб ташламаймиз. Бу тарих — бизники, уни унутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Ўша қийин кезларда халқимиз бошқа халқлар билан бир қаторда туриб, фашизм балосини даф этишга муносиб ва салмоқли ҳисса қўшганини ҳар доим катта фахр ва ғурур билан айтамиз, намоён қиламиз.

Бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Уруш даври воқеаларини, жангчиларимизнинг жасоратини таҳлил этишда ва таърифлашда ҳам мафкурабозликни, баландпарвоз гапларни, дабдабали шиорларни камайтириб, умри эрта хазон бўлган оталаримиз, акаларимиз хотираси олдида изтироб билан бош эгиб, уларнинг жасоратини фахр билан эслаб, авваламбор, ҳалок бўлганларнинг оилаларига ғамхўрлик қилиш, бугун ҳаёт бўлган собиқ жангчиларга фақат тасаннолар айтиш билан чекланиб қолмасдан, уларга амалий ёрдам бериш — биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Ҳаммангиз яхши биласиз: мамлакат раҳбарияти уруш қатнашчиларининг иззат-икромига етиш, ҳозирги мураккаб ўтиш даврида уларни ёлғизлатиб, кўнглини чўктириб қўймаслик учун катта ишларни амалга оширмоқда.

Мен бу борадаги қилинган ишларни такрорлаб ўтирмоқчи эмасман. Лекин бошқа айрим давлатларнинг раҳбарларига ўхшаб, фахрийларимиз, ветеранларимиз учун қилган ишларимизни такрор ва такрор кўз-кўз қилмасдан, бошқалар билан солиштирмасдан, бугун биз — Ўзбекистон раҳбарияти, ҳукумати улар олдида доимо қарздор эканини изҳор этмоқчиман.

Бугун биз бу мўътабар инсонлар сиймосида ва асрлар давомида юртимизнинг чинакам озодлиги орзусида қурбон бўлганлар мисолида — илоҳим, уларнинг арвоҳлари шод бўлсин! — Ватанни ардоқлаш, уни ёмон кўзлардан ва ҳаракатлардан асраб-авайлаш, ҳимоялаш, керак бўлса, она юртимиз учун жонимизни ҳам фидо қилишдек буюк инсоний фазилатни ўрганмоғимиз лозим.

Миллий истиқлолимизнинг оташин курашчиларидан бири Абдурауф Фитрат бир шеърида «Ватан — саждагоҳимдир» деган фикрни баён қилади.

Чиндан ҳам, ватан туйғуси, ватан тушунчаси биз учун саждагоҳдай муқаддас, саждагоҳдай пок ва улуғ бўлмоғи керак.

Биз она Ўзбекистон истиқлолини, унинг шаъну шавкатини қандай ҳимоя этишни ота-боболаримиздан мерос қилиб олишимиз ва унинг ҳимоясига ҳамиша тайёр турмоғимиз даркор.

Улуғ аждодларимиздан муқаддас мерос бўлиб келаётган ватанга муҳаббат туйғуси, фарзандларимиз, бугунги ва келажак авлодларимиз учун чинакам эътиқодга, чинакам ақидага айлансин.

Шундан кейин сизу биз бу дунёдан армонсиз ўтишга ҳақимиз бўлади, деб ўйлайман. Миллий ғурур, миллий ифтихори баланд миллатни енгиб бўлмайди.

Ҳурматли дўстлар!

Собиқ СССР ўрнидаги ва яқин атрофимиздаги юзага келган ўта мураккаб вазият бугунги кунда биздан дунё миқёсида пухта ўйланган ташқи ва ички сиёсат олиб боришни тақозо этади.

Биринчи галда, ўз юртимизда ва минтақамизда ҳар томонлама барқарорликни таъминлашни, тинчлигимизни бузишга қаратилган ёвуз ҳаракатларнинг олдини олишни талаб қилади.

Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида Ўзбекистон Республикасининг миллий ҳавфсизлик, минтақавий ҳавфсизлик борасидаги асосий тамойиллар ва шу принциплар юзасидан дунё ҳамжамияти олдида олға сурган ташаббусларимизнинг мазмун-моҳияти кенг баён қилинган эди.

Бугун олдинги сессияда баён этилган фикрларни чуқурлаштирган ҳолда, сиз муҳтарам ноибларнинг диққатингизни Марказий Осиё минтақасидаги давлатларнинг — Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон, Қозоғистон ва Ўзбекистоннинг ўзаро алоқалари ва ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантириш масаласига жалб этмоқчиман.

Биз — бешта қудратли шохи бирлашиб кетган улкан чинорни минтақамиз белгиси, рамзи қилиб танлаганимизда катта маъно бор.

Бизнинг — тожик, туркман, қирғиз, қозоқ ва ўзбекларнинг — тарихий бирлигимиз, маънавий бирлигимиз, маданий бирлигимиз, диний бирлигимиз, бир сўз билан айтганда, чинакам инсоний бирлигимиз ҳақида кўп гапиришнинг ҳожати йўқ.

Фалакнинг гардиши билан бугун қайси шахс минтақадаги қайси давлат жиловини қўлда тутиб турган бўлишидан қатъи назар, халқларимизнинг азалий бирлиги ва бир-бирига интилиши ҳар бир уйда, ҳар бир оилада, ҳар бир қишлоқда ва ҳар бир шаҳарда яққол сезилади. Минтақа бирлиги туйғуси нафақат маҳаллий халқ вакилларининг, балки бу гўзал заминни она ватан деб қабул этган рус, украин, белорус, татар, корейс, яҳудий ва бошқаларнинг қалбидан ҳам муносиб ўрин олгандир.

Менинг бунга ишончим комил.

Кўпчилик одамлар, жамоатчилигимиз бир нарсага эътибор берган бўлса керак.

Биз, Марказий Осиё давлатларининг раҳбарлари ва сиёсатчилари, халқларимизнинг тарихий бирлиги ҳақида жуда кўп баёнот берамиз, лекин — гапнинг очиғи, — кўпинча ишимиз қуруқ баёнотлардан нарига, минг афсуски, ўтмаяпти.

Азиз юртдошлар!

Тасаввур қилингки, ота юртимиз Туркистон — катта бир уй, буюк бир рўзғор, буюк бир оила. Бу оила фарзандлари қанчалик яқин ва аҳил бўлса, рўзғор ҳам шунчалик обод ва тўкин бўлади.

Бундан чиқадиган хулоса: Марказий Осиё минтақасида ҳам иқтисодий, ҳам маънавий, ҳам сиёсий жиҳатдан ягона муҳит ташкил қилиш — бугунги куннинг энг долзарб масаласидир.

Бугун кенг жамоатчилик вакиллари, биринчи навбатда ижодкор зиёлилар — ёзувчилар, тарихчилар ва бошқаларнинг бундай муҳим, ҳаётимизни, тақдиримизни ҳал қилувчи масалага эътиборини, ташаббусини жалб этиш вақти келди, деб ўйлайман.

Марказий Осиёда фаол меҳнат қилаётган жамоатчилик бизга ота-боболаримиздан муқаддас мерос бўлиб қолган тарихий бирлик туйғусини, муқаддас Туркистон туйғусини қайтадан тиклаши, халқларимиз қалбига пайванд этиши мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Ўйлайманки, ягона Туркистон шиорини барча халқларимиз қўллаб-қувватлашига заррача ҳам шубҳа йўқ. Буни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда ва бу барчамизга аён бўлиши керак.

Буни Марказий Осиё минтақасининг тинчлиги, барқарорлиги ва келажак равнақини қадрлайдиган минг-минглаб инсонлар очиқ қалб ва очиқ чеҳра билан кутиб олмоғи муқаррар.

Умид қиламанки, минтақа мамлакатларининг интеграцияси, бирлашуви учун хизмат қиладиган жамоатчилик ҳаракати тузилса ва бу ҳаракатда ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, қардош халқларимизнинг бирлиги учун курашга қодир инсонлар — ҳам Қозоғистон, ҳам Қирғизистон, ҳам Туркманистон, ҳам Тожикистон, ҳам Ўзбекистон вакиллари қатнашса, нур устига нур бўлиши аниқ.

Мазкур жамоатчилик ҳаракати «Туркистон — умумий уйимиз» деб номланса — айни муддао.

Бу ҳаракат мамлакатларнинг ўзаро бирлигини янада мустаҳкамлашга, қадим Туркистон заминида яшовчи барча халқлар, миллатлар ва элатларни яқинлаштириш мақсадида юрган соғлом кучларни ўз сафларига олишига шаксшубҳа йўқ.

Бундай ҳаракат ўз фаолиятини, биринчи навбатда, минтақа давлатлари орасида бугун пайдо бўлган кўпгина сунъий тўсиқларга барҳам беришга, одамлар бир пайтлар бўлганидек, бепоён Туркистон ҳудудлари бўйлаб ўзаро борди-келдиларини, маданий-маънавий муносабатларини, савдо-иқтисодий алоқаларини эмин-эркин давом эттириши учун замин ҳозирлашга қаратса, айни муддао бўлур эди.

Бунинг учун эса бугун тамал тоши қўйилаётган Марказий Осиё халқларининг янгича дўстона муносабатларини беқарор таъсирларга берилмасдан изчиллик билан давом эттириш зарур.

Муҳтарам Олий Мажлис аъзолари!

Мана, 1995 йилнинг бешинчи ойи ҳам бошланди. Маълумки, бу йилдан халқимизнинг умиди катта. Мавжуд ҳисоб-китобларга кўра, бу йил иқтисодни барқарорлаштириш йили бўлиши кутилмоқда. Аммо ҳар қандай умидбахш таҳмин ва орзулар ҳам фақат қаттиқ меҳнат билан, изланиш ва машаққат билан рўёбга чиқишини ҳаммамиз яхши биламиз.

Бу йилги об-ҳаво ҳам, халқимизнинг интилиш ва ҳаракатлари ҳам яхши ҳосиллардан дарак бермоқда. Азиз юртдошларимизнинг бизга билдирган ишонч ва умидларини оқлаш шу залда ўтирган ҳар биримизнинг ҳам ижтимоий, ҳам инсоний бурчимиздир.

Ишончим комилки, сизларнинг ҳар бирингиз уддабурро, ишнинг кўзини биладиган, астойдил киришса тоғни талқон қилишга қодир ғайратли кишиларсиз. Савобли ишларга одамларни бошлаш, етакчилик қилиш ҳар бирингизнинг қўлингиздан келади. Бундан менинг кўнглим тўқ.

Мен сизлардан фақат бир нарсани илтимос қилмоқчиман: кўпроқ одамлар орасида бўлинглар, халқнинг турмушидан, ҳол-аҳволидан хабар олиб туринглар. Айниқса, муҳтожларнинг, етим-есир, бева-бечораларнинг, эҳтиёжманд оилаларнинг муаммолари Наврўз ёки Ҳайит кунларидагина эмас, доимий эътиборингизда бўлсин.

Сизларга сиҳат-саломатлик, куч-қувват тилайман.

Унутилмас кунлар хотираси

АКАМДАН КЕЛГАН ХАТ

Урушнинг иккинчи йили. Қишлоғимиздаги тўлиқсиз ўрта мактабнинг 3-синфида ўқирдик. Дарсдан сўнг ўртоқларим Аҳмаджон Соҳибов, Асрор Полвоновлар билан хайрлашиб, уйга келсам, онамнинг кўзлари жиққа ёш, йиглаб ўтирибдилар. Ҳозирда юз баҳорга юз тутаётган, 150 дан зиёд набира, эвара, чеварали онаи зоримиз Гавҳаротин мактабдан келишим биланоқ: — Мана энди дадангдан кейин (дадамлар рабочий батольонга кетгандилар) урушга жўнаш навбати аканг Нишонбойга келди. Сен тезда бостирмадан бир-икки боғ ўтин ташлаб, тандирга олов ёқ. Беш-олтита сутлик патир қилдим, Темирйўл вокзалига акангга етказасан, дедилар. Патир пишгач, онам қанд-қурс солинган тугунчани қўлимга топширдилар.

Темирйўл станциясига қош қорайган пайтда терга пишган ҳолда етиб келдим.

— Ҳаммаёгинг сувга тушгандек шалоббо бўлиб кетибди. Қишлоқдан шу ергача югуриб келганга ўхшайсан, болам, — дея Нуринисо очам (онамнинг онаси) менга бир пиёла сув тутдилар. Очам урушга жўнаётган акам Нишонбойга далда бериб — Нишонбой ўғлим, сен уйдагиларнинг аҳволи не кечаркин, деб асло ғам ема, мана Худога шукур уканг Мажидвой ҳам катта бўлиб қолди, дадасини ва сенинг ўрнингни билдирмай, иншоолло колхозда ишлаб, рўзғорни тераватди, — дедилар. Акам ҳарбийларга хос ўзини ғоз тутиб:

— Колхозда ишласанг ҳам, аммо ўқишни асло ташлама, бўш вақтингни беҳуда ўтказмай, кўпроқ китоб ўқи, иложи бўлса, бирор бир ҳунарнинг бошини ушла, — дея насиҳат қилдилар. Орадан бирор соат ўтар-ўтмас Фарғона томондан Қизилэшелон — аскар болаларни ортган поезд Темирйўл станциясига пишқириб кириб келди.

Ҳаял ўтмай, поезд кўздан ғойиб бўлди. Станция бум-бўш қолди.

Орадан 2-3 ой ўтаяптики, ҳамон 17 ёшида фронтга кетган акам Нишонбой Ҳасановдан хат-хабар йўқ эди. Онаизоримнинг ҳар кўни кўзлари пуштачи (почтальон) йўлида нигорон. Ўғлимдан хат борми деб унга пешвоз чиқади. Онам кечалари мижжа қоқмас, туш кўрса, уни вақимали қилиб менга гапириб берардилар. Ниҳоят уйимизга шодлик кирди. Акамдан келган хатни онам олиб бировга ўқитган бўлсалар ҳам хатни яна мен ҳам ўқиб беришимни илтимос қилдилар. Мен учбурчак тумор янглиғ хатни ҳижжалаб ўқий бошладим. Хат шошилинч ёзилганга ўхшайди, тезда ҳарфларни ўриштириб ўқиёлмай қийналдим. Дудуқланиб ўқидим. Онамнинг юраклари сиқилиб кетди, шекилли, қўй, яхши ўқиёлмаяпсан, бирорта бурро ўқийдирган муаллимга яна ўқтиб оларман, деб хатни буклаб чўнтакларига солиб олдилар.

Орадан бир ҳафталар ўтгач, акамдан келган учбурчак хатни онамдан олиб чўнтагимга солиб олдим. Ҳар куни чўнтагимдаги хатни далада икки-уч мартадан ўқиб, мактубдаги сўзларни деярли ёдлаб олдим. Бир куни уйимизга Қамар опам ва яқин қариндошлар йиғилишди. Мен уларга акамдан келган хатни ўқиб беришимни айтдим. Уйдагиларнинг кўзи менда. Оренбург шаҳридан ёзилган туморсимон матубни худди шеър ёдлаган ўқувчидек тутилмай равон ўқиб бердим. Ҳаммадан кўра онамлар мамнун эдилар. Куни кеча бу хатни дудуқланиб ўқиб, юрагимни сиқиб юборганди, хайрият, энди бурро ўқишни ўрганибди, деб қолдилар.

Акам уруш воқеаларидан қисқа ҳикоя қилувчи учбурчак матубларини Россиянинг турли шаҳарларидан тез-тез юбориб турардилар. Мактубларидан бирида акам жангда жасорат кўрсатгани учун иккинчи даражали «Шуҳрат» ордени ва «Жасорати учун» медаллари билан тақдирлангани ҳақида ёзибдилар, расм ҳам юборибдилар. 1943 йили душман билан бўлган даҳшатли жанглардан бирида чап оёғига асколка тегиб ярадор бўлганлиги ва госпиталда ётиб чиқиб, яна жангга кириб кетганлиги тўғрисида ёзибдилар.

Жангчи акам катта лейтенант Нишонбой Ҳасанов 1944-1945 йилларда Польша ва Чехословакия мамлакатларида мардонавор жанг олиб бориб, Ватаннинг иккинчи, учинчи даражали «Шуҳрат» ордени ва қатор медаллари билан тақдирланди. У ҳар бир ёзган хатида укаларим Абдумажид, Абдужалиллар, синглим Қамарнинг ўқишлари тўғрисида сўраб-суриштириб турардилар.

Етти йил (1942-1947) шонли Армия сафида бўлган акам Нишонбой Ҳасанов урушдан сўнг қирқ йилча сув хўжалиги соҳасида ҳалол хизмат қилди. Ҳозирда у нафақахўр. Аммо ҳали-ҳануз акамдан келган... хатларни ҳаяжондан дудуқланиб ўқийман.

Мажид ХАСАНИЙ,
ёзувчи, журналист

Қуролдошлар учрашуви. Даврон АҲМАД сурат-лавҳаси.

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг тиббиёт билим юрти 15 май ва 20 май кунлари абитуриентлар учун «ОЧИҚ ЭШИКЛАР» кунини ўтказади.

Бизнинг манзилгоҳимиз:

Тошкент шаҳри, Чилонзор кўчаси, 1 кв., 9 уй. Автобуслар: 2,94,34,77,50,80. Троллейбуслар:6,11. Трамвайлар: 4,9 «Чилонзор» бекати, Метронинг «Ҳамза» бекати.

ҒАЛАБАГА 50 ЙИЛ

1941-1945: ЖАНГГОҲДА ВА ЖАНГГОҲ ОРТИДА

ҲЕЧ КИМ ВА ҲЕЧ НАРСА УНУТИЛМАЙДИ !

ЖАСОРАТИНГИЗ ЁШЛАРГА ИБРАТ

1941-1945 йилларда фашизм устидан қозонилган Буюк Ғалабанинг 50 йиллиги муносабати билан уруш ва меҳнат фахрийларига

ТАБРИК

Азиз фахрийлар!

Мўътабар отахонлар ва мунис онахонлар!

Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси республика ёшлари номидан Сизларни — шавкатли Ватанимиз посбонларини, бутун инсониятни фашизм балосидан халос этиш йўлида жон олиб, жон берган, кўксини қалқон қилган юртдошларимизни Буюк Ғалабанинг 50 йиллиги билан сидқидилдан ва самимий муборакбод этади.

Сизларнинг — ёвқур оталаримизнинг бу урушдаги сўнмас жасорати, жанглардаги фидойилиги, шу билан бир қаторда фронт ортида захмат чеккан, бир бурда нонни қирққа бўлиб еган, ғалаба учун пойдевор яратган мард халқимизнинг улкан қаҳрамонлик намуналари авлодлар ёдида абадий сақланиши шубҳасиздир.

Эр бошига иш тушса — этик билан сув кечар, дейди доно халқимиз. Сизлар юрт бошига оғир мусибат ёғилганда бир тану бир жон бўлиб, ёвни ер билан яксон қилиб, уни ўз уясида мажақлаган марду майдонларсиз.

Шундай экан, биз ёшлар юртимиз равнақи, диёримиз тинчлиги, Ватанимизнинг буюк келажагини яратиш йўлида Сизларнинг тилларда достон бўлган мангу жасоратингизга таянган ҳолда бор кучимизни аямай, йигит-қизларни аждодларга хос ботирлик руҳида тарбиялашга интилаверамиз.

Азиз ва мўътабар фахрийларимиз!

Бугун биз яшаётган азиз юртни Алпомишлару Тўмирислар, Сиёвушлару Спитаменлар, Гўрўғлилару Муқанналар кўксиларини қалқон қилиб ҳимоя қилганлар.

Буюк саркарда бобокалонимиз соҳибқирон Амир Темур шу ўлка равнақи йўлида улкан ишларга қўл урган.

Бинобарин, шундай бой меросга эга элнинг ўғлонлари ҳам мард, ботир бўлади.

Сизларни — инсониятни фашизм вабосидан сақлашда кўксини қалқон қилган, инсоният халоскорлари, жасур ўғлонлар — фахрийларимизни улуғ айём — Буюк Ғалабанинг 50 йиллиги билан яна бир бор чин қалбдан табриклар эканмиз, Сизларга тилакларимиз шу: бахтимизга доим соғ-омон бўлинг. Руҳингиз ҳамиша тетик, кўнглингиз равшан бўлсин, юзингиздан табассум аримасин.

Сизларга қўлимизни кўксимизга қўйиб, таъзим бажо айлаб, чуқур ҳурмат ва эҳтиром ила

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ.

СУРАТИНГИЗ ХАЁЛИМДА

Иккинчи жаҳон урушида бедарак кетган Қурбон бобом хотирасига

Сизни кузатишди борса келмасга,
Тақдир пешонангга ёзгани шу деб.
Сизни кузатишди ваҳшат масканга,
Юртга қалқон бўлиш мардга орзу деб.
Эй воҳ, шум ажалнинг сабри йўқ бобом,
Афсус, ўз юртида қабри йўқ бобом.

Ғалабага ишончингиз ёр эди,
Моможоним изингизга зор эди,
Уйда ёлғиз фарзандингиз бор эди,
Сиздан қолган биргина ёдгор эди.
Эй воҳ, шум ажалнинг сабри йўқ бобом,
Афсус, ўз юртида қабри йўқ бобом.

Қани, тушларимда кўра олсайдим,
Суратингиз хаёлимда чиза олсайдим,
Нурли чеҳрангизга маъюс термулиб,
Кўзларим кўр бўлса, бўла қолсайдим.
Эй воҳ, шум ажалнинг сабри йўқ бобом,
Афсус, ўз юртида қабри йўқ бобом.

Ўтган боболарни эсламоқлик қарз,
Сизни эслаймизу кўнгил кетар дарз,
Сиз мангу яшайсиз қалбларимизда,
Сизни унутмаймиз, унутмаслик фарз.
Эй воҳ, шум ажалнинг сабри йўқ бобом,
Афсус, ўз юртида қабри йўқ бобом.

Зайниддин ҚУРБОН.

1945 йил. Ғалаба Паради.

ФАХРИЙЛАРГА СОВҒАЛАР

Қанотли хабар

Намангандаги «Муштарий» тикувчилик ишлаб чиқариш акционерлик жамияти якка буюртма асосида эркаклар кўйлаклари тикишга киришди. Наманган вилоятида яшайдиган 6300 нафар уруш фахрийларига кўйлак тикиб берилади. Буюртмани бажариш учун кетадиган ҳамма ҳаражатларни «Маҳалла» республика ҳайрия жамғармасининг вилоят бўлими ўз зиммасига олиб, шу мақсадга ярим миллион сўм ажратди.

Шонли юбилей арафасида наманганлик собиқ жангчилар ҳар бир меҳнат жамоасида самимий кутиб олинмоқда. Вилоят марказининг кинотеатрларида, жамоат ташкилотларида ва маҳаллаларда байрамолди учрашувлари бўлмоқда. Фахрийлар ўтган кунларни эслашади, ёшлар эса кекса авлод қўлга киритган тинч ҳаётни қадрлашни ўрганади.

ЎТКИРКЎЗ ЛОЧИН

Соат миллари тўхтовсиз, худди жимирлаб оқаётган дарёдек ҳаракатланади. Ёлғоннинг ҳам, ростнинг ҳам аслида нима эканлигини вақт кўрсатади. Ўзбекларнинг ҳам нимага қодир эканлиги тарихий ҳужжатлар асосида, ўша машъум уруш жангтоҳлари хотираси туфайли тикланмоқда ва айтиш мумкинки, ғалабанинг таъминланишида баҳодир ўзбек йигитларининг ҳиссаси салмоқли, зеро бизнинг қадрдон юртдошларимиз фашистларга қарши жангларда ўзининг дадиллигини, довюраклигини, кўрқмаслигини, ўлимга ҳам тик бора олишини намойиш этган ва минг-минглаб эртадан то кечгача тер тўкаётган фронт ортидаги қадим Туронзамин аёлларининг, болаларининг юксак ишончини оқлай олишган. Ана шундай юрагида ўти бор йигитлардан бири Қобилжон мерган Зокиров. У машҳур мерган Тешабой Одиловнинг шогирди. 1923 йил 13 январда Тошкент шаҳрида туғилган.

1943 йил ёз фасли. Гарчи фаслнинг номи ёз бўлса-да, Ленинград томонларда бунинг унчалик ҳам аҳамияти йўқ. Негаки, қалин дарахтзор билан қопланган, сал кун исигудек бўлса, дарров ҳаво димиқиб кетадиган шимол барибир шимол-да. Бир парча қуёш чиқдими, ўрмонга боринг ғўзалликни ҳам, доимо намгарчилик бўлаверишининг салбий хислатларини ҳам кўрасиз.

Колбино шаҳридан 9 километр узоқликда «Шиша» деган жой бор.

Лекин кейинги пайтда «Шиша»да хизмат қилаётган аскарларни қимдир отиб ташлай бошлади. Кундан-кунга аскарлар сафи камайиб хавотирга тушиб қолишди ва Красний борг шаҳридан мадад сўрашди. 8 нафар мерган «Шиша»га келди. Қобилжон Зокиров ҳам шулардан бири. Яширинган душман «какку»ларини йўқотиш керак. «Ўзбекман, ўзимни кўрсатишим керак», ўзича ўйлади Қобил ака. Чигирткаларнинг чириллаши, турли ҳайвонларнинг қичқириқлари, баъзан отишувлар, портлашлар эшитилади. Гоҳ у томондан, гоҳ бу томондан отилган тунги ёриттичлар, атрофни оппоқ нурга буркаб қаердадир сўнади. Қобил ака тиззалаб ўтирган куйи, сувни шалоплатмасдан оғирлигини бошқа оёққа ташлади. Томири тортишди. Аммо қимирламади. Шериги Сергий Коновалов ҳам орқа томонни қуриқлаганча, жим ўтирарди. Вақт жуда секин ўтарди. ...Ниҳоят, тонг отди. Соат миллари саккизни кўрсатди, лекин «какку» ҳали ҳам номаълум.

Қобил ака қалин ўсган буталар орқасида яшириниб юрса буладиган чуқурни пайқади.

Қобил ака фикри-зикри душманни маҳф этишда бўлганлиги учун, захга ҳам, ёға бошлаган ёмғирга ҳам, оёқлари йўқдек бўлиб қолганига ҳам эътибор бермай қўйганди.

Коновалов бир сакраб тепаликчадан ошди. Ерга қапишганча тек ётди ва яна секин эмаклаб ўша чуқурни топиб олди. Энди у чуқурлик устидан секин силжитаётган дубилгагина кўриниб қолди. Бир пайт уқ овози янгради, иккинчи уқ даранглаб дубилгага (каска) урилди. Қобил ака душман ўқ отган жойни аниқлади. Бир оқ қайиннинг бошини мина учириб кетган бўлиб, ундан икки ярим метрча тумтоқ тана қолганди. Шу оқ қайиннинг чап томонидаги қуюқ шохли дарахтда «какку» ўтирарди. Бу 200 метрлар узоқда. Агар ўқ хато кетса, душман буларни сезиб қолиб, ҳаётларини хавфга қўйиши мумкин. Эҳтиёткорлик зарур. Қобил ака узича ўйлади: «Какку»лар ёлғиз бўлмайди, қаердадир унинг иккинчиси бор, уни аниқлаш учун, бунисини отиш керак, шеригим кузатсин-чи». У Коноваловга душманнинг иккинчи маконини аниқлашни тушунтирди. Узи эса снайперни обдон тўғрилаб, кўнгли бир ёқли бўлгач, тепкини босди. Ўрмон узра гўё Қобил ака отган ўқнинг янграгандек бўлди, қуюқ дарахтдан оғир бир нарса шохларни синдирганча ерга қулади. Қобил ака ҳандақнинг нариги томонига жой ўзгартираётган пайтда узоқдан ўқ овози янгради, шундоқ юзининг ёнидан ўқ учиб ўтиб кетди. Худо узи асради. Сергей сергак турган экан, «какку»нинг шеригини у нишонга олди. Қоронғу тушгунча яна ҳандақда кун кечиришга тўғри келди. Эртасига улар бошқа жойга кўчишди. 4 кун давомида 12та фашист «какку»си йўқотилди. Гарчи овқат кам, кун салқин, намгарчилик бўлса-да, Қобил аканинг иродаси, чидами, ички қуввати ғолиб келди. Улар «Шиша»дан жўнаб кетишди.

Тўлқин ЁРҚУЛОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ҲИССАСИ

Ғалаба байрами арафасида Узбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳайъати, Мудофаа вазирлиги, фахрийлар ташкилотлари уюшмаси кенгаши ва Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси ташаббуси билан «Фашизм устидан қозонилган Ғалабада Ўзбекистоннинг тарихий ҳиссаси» мавзуида илмий-назарий конференция бўлиб ўтди.

Узбекистон Фанлар академияси ҳайъатининг мажлислар залида бўлиб ўтган ушбу анжуман икки кун давом этди. Конференция иштирокчилари шўъбаларга бўлинган ҳолда иш олиб бордилар. «Узбекистон жангчиларининг жанг майдонларида кўрсатган жасорати», «Узбекистон халқларининг фронт орқасидаги қаҳрамонона меҳнати», «Уруш йилларида Узбекистон фани ва маданияти», «Узбекистон минтақалари ва меҳнат жамоаларининг Ғалабага қўшган ҳиссаси» каби мавзулар шўъбаларда нотиқлар томонидан атрофлича ёритиб берилди.

Маърузаларни йиғилганлар зўр иштиёқ ва қизиқиш билан тинглашди. Шу пайттача номаълум бўлган уруш йилларига оид воқеалар, факт ва рақамлар, Ғалабанинг ўз-ўзидан келмаганлиги — катта қурбонлар ва талофатлар эвазига қўлга киритилганлиги бир неча бор таъкидланди.

СУРАТЛАРДА: конференция ишидан лавҳалар.

Матн ва суратлар муаллифи Муҳаммад АМИН.

СОБИР РАҲИМОВ БИЛАН УЧРАШГАН АЁЛ

Қуйида мақоласи чоп этилаётган муаллифимизнинг исми шарифлари Искандар Раҳмон. У истеъдодли тиббий хизмат подполковниги. Қуролли кучлар фахрийси. Шунинг баробарида Ўзбекистон журналистлар уюшмасининг аъзоси ҳамда элимизга таниқли адиб.

Искандар Раҳмон Ғалабанинг 50 йиллигига улкан ҳисса қўшган ёзувчиларимиз сирасига киради, десак адашмаган бўламиз. Чунки, шу йилнинг ўзида у кишининг Иккинчи жаҳон уруши фидойилари ҳақидаги икки китоби чоп этилди.

Биринчи китоб — «Оловли гулдаста» «Камалак» нашриётида чоп этилган бўлиб, унга Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг биринчи котиби Алишер Тешабоев сўзбоши ёзган.

Иккинчи китоб — «Оқ либосли ҳалоскорлар» эса Ибн Сино номидаги нашриётда чоп этилган. Ҳар иккала китобдаги қаҳрамонлар бизнинг элдошларимиз. Ғалабага муносиб ҳисса қўшган юртдошларимиз.

Уруш йилларида республикамизда йигирмадан ортиқ концерт бригадалари тузилиб, урушнинг олдинги марраларига жўнатилгани маълум. Узбек санъатининг энг ёркин намоёндаларидан бири халқ артисти Тамарахоним уруш йилларида жангтоҳларда мингдан ортиқ концертлар бериб, Мудофаа жамғармаси ҳисобига Давлат Мукофотини ҳамда 90 минг сум ўтказганини, бу пулларга самолёт ва Т-34 танки қурилгани фидойиликнинг бир намунасидир.

Тамарахонимнинг синглиси, Узбекистон халқ артисти Гавҳар Раҳимова ҳам мардлик, фидойилик борасида жанговар опасидан сира ортда қолмади. Унинг раҳбарлигидаги Узбекистон Давлат филармониясининг хотин-қизлар ансамбли таркибида ҳозирги кунда эл-юртга таниқли халқ артистлари, ўша кезлари 13 ёшли Яйра Абдуллаева, 14 ёшли Коммуна Исмоиловалар ҳам жангтоҳларда жон олиб, жон бераётган аскарлар ҳузурида, урушнинг энг олдинги марраларида концертларда иштирок этишди.

Балетмейстер Лизахоним Петросова, хонанда ва раққосалардан Ўғилой Машарипова, Эргашхон Мирзаева, Рокия Абдуллаева, Розия Каримова, Дилором Шерова, Роза Багланова билан биргаликда таниқли созанда ва хонандалардан Фахриддин Содиқов, Бобораҳим Мирзаев ва бошқалар бор эдилар.

— Биз фронтда бўлганимизда об-ҳавонинг қандайлигидан қатъи назар, кечаси ҳам, кундузи ҳам жангчиларга концерт курсатардик, — дея ўша кунларни эслай бошлади Гавҳар Раҳимова ва мен билан суҳбатда. — Эсдан чиқмайдиган қизиқ воқеа, ҳодисалар жуда кўп бўлган. Масалан, Калинин фронтида ансамблимиз билан катта юк машинасида бошқа қисмга кетаётсак, ҳайдовчимиз йўлдан янглишиб, бизни тўппа-тўғри душман жойлашган ерга олиб борипти. Яхши ҳамки, унинг ёнида ҳамроҳ бўлиб кетаётган зобит ҳушёрлик қилиб, машинани бошқа йўлдан юришга ундаган. Бўлмаса, ўзимизни аждаҳонинг комида кўрардик.

— Генерал Собир Раҳимов дивизиясида ҳам бўлган экансизлар.

— Ҳа, 1945 йилнинг январь ойида Узбекистоннинг Москвадаги ваколатхонаси вакили Ёқуб Юсупович Алиевнинг тавсияси билан ансамблимиз 2-Белоруссия фронти таркибида генерал-майор Собир Раҳимов қўмондонлик қилаётган 37-гвардиячи ўқчи дивизиясига бориши ҳақида йўлланма олдик. Бу дивизияга Армия қўмондони Маршал Рокосовский бизни «кутилмаган совға» қилиб, юборишга қарор қилди. Ансамблимиз аъзолари, аниқса менинг қувонганимни айтсангиз. Чунки турмуш ўртоғим лейтенант Ғуломжон Раҳимов капитан Собир Раҳимов билан урушдан олдин Самарқанддаги отлиқлар дивизиясида бирга хизмат қилишган, ажралмас дўст-қадрдон эдилар. Ўша пайтларда оилавий борди-келдиларимиз бор эди. Уруш бошлангач, Ғуломжон ака бошқа қисмда хизмат қила бошлади. Мен ҳар доим сафарга чиққанимда жанг йўлларида уни кўриш умидида бўлдим, аммо учрата олмадим. Энди ҳеч бўлмаса, унинг жанговар ўртоғини кўриш имконияти туғилганидан беҳад шод бўлдим. Менда Собир Раҳимовнинг оила аъзоларидан хат, совға-саломлар бор эди.-Унга аталган куй-қўшиқларимизни-ку қўя берасиз. Ниҳоят, биз йўлма-йўл турли қисмларда концертлар бериб, февраль ойининг охирларида Собир Раҳимов дивизиясига етиб келдик. Дивизия ўша кезлари Висла дарёсига яқинлашиб, Польшанинг қадимий шаҳарларидан бири Грудзёндз шаҳри учун кеча-кундуз аёвсиз жанглар қилаётган экан. Генерал Собир Раҳимов ана шу операцияда қаттиқ банд экан. Бизни кутиб олишга чиқа олмагани учун ёрдамчиси орқали узр сўраб, ҳузуримизга бироз кечроқ келишини билдирди. Биз ҳам нафасимизни бироз ростлаб, ҳамюртимизнинг келишини интизорлик билан кута бошладик. Орадан кўп ўтмай, байрамона кийиниб, шаҳдам қадамлар ташлаб тумонат одам тўпланган залга Собир Раҳимов кириб келганида, ҳаммамиз унга пешвоз чиқиб, самимий қучоқлашдик. Ўша пайтда хурсандчилигимизнинг чегараси йўқ эди.

Жангтоҳнинг олдинги марраси-даги қадимий қалъада юртдошларимизнинг шарафига концертлар бердик, уларга совға-саломларимизни топширдик. Фурсат топиб, Собир Раҳимов билан юртимиз, яқин таниш-билишлар ҳақида узоқ суҳбатлашдик. Генерал ва унинг жасур жангчилари билан хайрлашишимиз негадир жуда оғир кечди. Ҳаммамизнинг кўзимизда ёш.

Афсуски, фашизм устидан қозонилажак тарихий Ғалабага 38 кун қолганда мард ва баҳодир, афсонавий қаҳрамонимиз, генерал-майор Собир Раҳимов Польшанинг Данциг шаҳри яқинидаги тенгсиз жангда душманнинг дайди ўқига учиб, ҳаётдан бевақт кўз юмди.

— Демак, Сиз уни бошқа кўрмадингиз?

— 1945 йилнинг 25 майида Узбекистон ҳукуматининг қарори билан биринчи ўзбек генерали, миллий қаҳрамонимиз Собир Раҳимовнинг ҳоки солинган қутича Тошкентга келтирилди. Биз ансамблимиз қатнашчилари билан умумхалқ мотам маросимида юртдошимиз ҳокининг Биродарлар қабристонига қўйилишида иштирок этдик. Ҳозиргача генерал Собир Раҳимов билан сўнгги учрашувимиздаги унинг салобатли ва ёркин қиёфаси кўз ўнгимиздан кетмайди.

Зебо Ғаниева номидаги ансамблимиз жанговар анъаналарни давом эттираётганлиги оловли йиллар жасоратининг унутилмаганидир.

Искандар РАҲМОН.

СУҲБАТДОШ ҲАҚИДА

Шомақсудов Анвар Шотурсунович. 1925 йил Тошкент шаҳрида туғилган. Ўрта Осиё давлат университетининг филология факультетини битиргач, ўша даргоҳда аспирантурани битириб фан номзоди унвонини олади. Бир неча йиллар филология ва журналистика факультетларига раҳбарлик қилади. 1980 йили унга «Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими» унвони берилган. Урушда икки марта «Мардлиги учун» медали билан тақдирланган.

Бир қиз, уч ўғли-ю саккиз набираси бор. Турмуш ўртоғи Мастура опа Зоирова ҳам географ олима. Ҳозир А. Шомақсудов журналистика факультети услубият кафедрасининг доценти

Устоз ҳузурида бир лаҳза

Анвар ШОМАҚСУДОВ: «ЗАРРАЧА ИМКОН ТОПГАНДА, ЯХШИЛИК ҚИЛИНГ»

— Анвар ака, суҳбатни ҳозирги ёшлар ҳақида сўрашдан бошласам.

— Ёшлар ҳақида айтишдан аввал, шоиримиз Эркин Воҳидовнинг «Ҳозирги ёшлар» шеърини эслатмоқчи эдим. Бизнинг ёшлигимиз уруш даврига тўғри келди. Фронтдан меҳнат қилишга, Ватан ва ота-онани қўмсашга, юртни соғинишга, матонат ва диёнатни қадрлашга ўргандик. Оловдан омон қайтиш ҳаммага ҳам насиб этмади. Бугун ҳақида гапирадиган бўлсак. Ёшларимиз бахтиёр дея оламан. Мустақиллик шабодасидан ҳам ёшларимиз бахраманд бўлди. Биз фронтда жафо чексак, ҳозирги ёшлар мустақиллик учун меҳнатда жон чекмоқда.

— Кимгаки ақлу идрок насиб этган бўлса, демак у омадлидир.

— Минг шукрки, тақдиримдан нолимайман. Ҳар бандага омад берсин, қаторида бизни ҳам бенасиб қилмасин. Одамларнинг табиати қизиқ. Агар омаднинг келганида чиройлироқ кийиниб юрсанг, «сени, кийиниш маданиятини билади, фаросатли» деб мақташади. Омад кетганида кийиниб кўрингчи, олифтадан олиб олифтага солишади. Қаранг, омад келганда давраларнинг тўрида ўтириб кўпроқ гапириб юборсангиз, кўрган, ўқиган, билади, гапирадида, деб кўкларга кўтарамиз. Омад кетганида эса донолик қилиб кўпроқ гапириб қўйсангиз, у эзмадан олиб, бу эзмага солишади.

— Анвар ака, отангизнинг номини кўпчилик ҳурмат билан тилга олади...

— Отамизни Шотурсун қори дейишарди. Замонасининг илмли кишиларидан бўлган. Отам ё мадрасада, ёки бирор олий ўқув юртида ўқимаган. У халқ ичидан чиққан тилшунос тадқиқотчиолим эди. Кексалар билан гаплашсангиз, жуда фариштали киши эди, деб тилга олишарди.

«Кенг уйнинг келинчаги» китобига кўзингиз тушган бўлса, у адабиётшунос олим Субутой Долимов билан отамнинг ҳамкорлигидаги биринчи китоби. «Афанди латифалари», «Нега шундай деймиз» деб номланган китоблар ҳам ўқувчилар орасида яхши баҳоланган. Онам жуда ажойиб, оқила, камсуқум аёл эдилар...

— Сиз узоқ йиллар Тошкент Давлат университети журналистика факультетига раҳбарлик қилдингиз. Ҳозир ҳам ёшларга дарс бермоқдасиз. Қадрдон факультетимизнинг келажаги ҳақида нималар дея оласиз?

— Келажак ҳақида гапиришдан аввал ўтмишга бир назар ташласак. Бу даргоҳда неча-неча улуғ инсонларнинг пойи қадами қолмади дейсиз? Факультет асосчиларидан бири, вақтли матбуот тарихини яратган олим марҳум Туғон Эрназаров кўз ўнгимдан кетмайди. Адҳам ака Акбаровни эслайман. Бу даргоҳда неча-неча элга машҳур ижодкорларнинг қаламлари қайралган, ақллари пешланган. Фахр билан айта оламанки, бугунги кунда улар мамлакатимизнинг, ҳамма жойида, ҳамма соҳасида бор.

Ишонч билан айта оламан — факультетга умидли олимлар тўпланди. Сайди Умиров Бойбута Дустқораев, Назира Абдуазимова, Файзулла Муминовларга қараб ҳавасим келади. Бўлгуси журналистлар маҳорати уларга ҳам боғлиқ, демак, ишлар кўнгилдагидек бўлишига умид бор.

— Ҳар кимни ҳам армонлари бор. Вақтида бирор ишни кўнглига тугади-ю, ё имкони, ё фурсати етмай яхши ният юракда қолиб кетади. Сизда ҳам шундай бўлганми?

— Албатта бўлган. Масалан, журналистика қуллиётига раҳбарлик қилган кезларимда бир нарсани меъёрида ўринлата олмадим. Замонавий журналист камида уч тилни мукаммал билиши лозим. Узбек журналисти эса — она-давлати тилини, рус ва инглиз тилини, албатта, ўрганиши керак. Биз ишлаган даврда ахборотлар халқаро майдонга кўпроқ Москва орқали чиқарди. Келиши ҳам худди шундай буларди. Энди республикамиз мустақил мамлакат — мустақил давлатга айланди. Агар чет тилларини биладиган журналистлар кўпроқ бўлганда эди, чет эллардан туриб ўзбек қаламкаши Узбекистонга муҳим бўлган ахборотларни республикага йўлларди. Аммо ғанимат бўлсада, фурсат етарли. Вақтни бой бермай, халқаро журналистларни тайёрлашимиз фақат фойда бўлади.

Суҳбатдош: Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ.

ҒАЛАБАГА 50 ЙИЛ

1941-1945: ЖАНГГОҲДА ВА ЖАНГГОҲ ОРТИДА

ҲЕЧ КИМ ВА ҲЕЧ НАРСА УНУТИЛМАЙДИ !

Бундан роппа-роса 50 йил муқаддам Оврупода иккинчи жаҳон урушининг сунгги жанглари тўхтаб, Адолат ва Идрок фашистлар Германияси устидан ғалаба қозонди.

Бугун уша кунлар ҳақида мушоҳада юритар эканмиз, фашистларнинг маглубиятга учраши инсоният тарихида нақадар буюк аҳамият касб этишини чуқур ҳис қиламиз. 1939-1945 йиллар давомида жаҳондаги 72 та давлат ёки Ер аҳолисининг бешдан тўрт қисми уруш ҳаракатларида қатнашди. Уруш Оврупо, Осиё, Африка қитъаларининг маълум қисмини ва океанларнинг ҳаммасини ўз домига олди. Тарихдаги энг катта йўқотишлар ана шу даврда бўлди. Солиштириш учун қуйидаги рақамлар кифоя бўлса керак: XVII асрнинг барча урушларида 3 миллион, XVIII асрда 5,5 миллион, XIX асрда эса 16 миллион киши қурбон бўлгани ҳолда Иккинчи жаҳон урушида 55 миллион одам бевақт дунёдан кўз юмиб, 35 миллион нафар киши ногирон бўлди.

Фашистлар Германияси бу урушга узоқ вақт ҳозирлик кўрди. Гитлерча тартиб ўрнатилган йиллар ҳарбий ишлаб чиқариш 22 марта, қуролли кучларнинг сони 36 марта ўсиб, армиянинг шахсий таркиби 8,5 миллион кишига етган эди.

1941 йил 22 июнда собиқ Иттифоқ ҳудудига бостириб кирган фашистларнинг қўли, табиийки, баланд кела бошлади. Улар қисқа вақт ичида мамлакатнинг катта-катта ҳудудларини эгаллаб олдилар. Уруш даҳшатли палласига кирди. Мамлакатнинг шарқий вилоятларига (Урал, Сибир, Урта Осиё) заводлар, фабрикалар, корхоналар, шунингдек, етим-есир ва аҳолининг маълум тоифалари кўчириб келинди. Узбекистонга уруш йиллари бир миллион одам эвакуация қилинди. Фронт орти меҳнаткашлари, асосан қариялар, аёллар ва болалар фақат ғалаба иштиёқи билан меҳнат қилдилар.

Узбекистонлик меҳнаткашлар имкон қадар фронтни қуроллаҳа, озиқ-овқат, кийим-кечак билан таъминлаб турдилар. Юз минглаб ўзбеклар жанг майдонларида душманга қарши мардонавор курашдилар. Руслар, украинлар, белоруслар ва бошқа миллат вакиллари билан бир қаторда ўзбек жангчилари ҳам Москва учун курашдилар, Ленинградни ҳимоя қилдилар, Сталинград остоналарида жанга кирдилар, фашист ваҳшийларини Берлингача ҳайдаб бордилар. Кўплаб ўзбеклар партизанлик ҳаракатларига қўшилдилар. Белоруссия ерларида душман қўршовида қолиб кетган жангчилардан бири — ўзбек халқининг ўғлони Мамадали Топиболдиев партизан отрядини тузди. Кейинчалик Белоруссия қишлоқларидан бирига Топиволдиевка деб ном берилди.

Ўзбек халқи бошқа миллат вакиллари сингари ватанпарварлик бурчини шараф билан адо этди. Жанглардаги мардлиги ва жасурлиги учун, душманга аёвсиз зарба бергани учун ўзбекистонлик жангчилардан 328 нафарига Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди. 120 мингдан зиёда орден ва медаллар билан тақдирланди.

Ишлаб чиқариш соҳасида ҳам юртимизнинг салмоқли ўрни бор. Уруш йилларида Узбекистонга кўчириб келинган 93 та йирик завод-фабрикаларнинг ҳаммаси жуда қисқа вақт ичида ишга туширилиб, ишчилар билан таъминланди. Умуман уруш даври давомида 280 та ишлаб чиқариш корхонаси ишга туширилди. Барчага машҳур Тошкентдаги Чкалов номли самолётсозлик заводи, Бекобод металлургия заводи ҳам айнан уша даврларда фаолиятини бошлаган. Усмон Юсупов бошчилигидаги ҳукумат барча меҳнаткашларни ана шу улкан ишларни амалга оширишга руҳлантира олдилар. Деҳқонмиришкорлар ҳам Ватан ҳавф остида эканини, ҳар бир килограмм пахта, дон кўп нарсаларни ҳал қила олиши мумкинлигини ҳис қилиб турардилар. Шунинг учун ҳам фронт ва ишлаб чиқариш учун жўнатилаётган маҳсулотларнинг кети узилмади.

Жанглар кечаётган жойлардан келтирилган етимларни худди ўз болаларидек бағрига олган ўзбекларга дунё тан берди. Узбекистонликлар 200 минг мурғак қалблар билан ўз бошпаналари, нонтузларини баҳам кўрдилар. Биргина темирчи Шоаҳмад Шомаҳмудовлар оиласи 14 нафар ана шундай турли миллат вакилларини ўз қарамоғига олди. Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Иккинчи жаҳон уруши тинчлик энг катта неъмат эканлигини инсониятга яна бир карра исботлади. Афсуски, буни тушунмаган ёхуд тушунишни истамаган маълунлар ҳануз ер юзининг турли бурчакларида туриб уруш оловини ёқмоқдалар.

Шукурки, Узбекистон ўз мустақиллигини эълон қилгандан бери тинчликсевар сиёсат юргизиб келмоқда. Ислом Каримов айтганидек: «...армиямиз, қуролли кучларимиз давлат хавфсизлигини таъминловчи муҳим кафолат» бўлиб хизмат қилади. «Қўшнинг тинч, сен тинч» мақолига риоя қилинаётганлиги ҳам аслида шундан.

М. МУСАЕВ,
Республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, тарих фанлари доктори, профессор, иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси.

Уруш йилларида биргина Тошкент аэропортидан юзлаб ҳаво лочинлари жанг майдонларига йўл олдилар. Улар турли жанггоҳларда, ҳаво жангларида қатнашдилар, партизанларга мадад етказдилар, ярадорларни ташидилар.

Тинчлик йилларида эса Ўзбекистон равнақи учун меҳнат қилишди.

Суратда: (чапдан ўнгга) Василей Вислогузов, Николай Титлов, Салох Бахтиёров, Вера Еганова, Василей Коршак, Андрей Купцов учиш майдонида суратга тушдилар.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ фотоси.

АДОЛАТ ВА ИДРОК ТАНТАНАСИ

ЭНГ ОҒИР ДАМЛАРДА

● **1941 йил 21 август.** Давлат банкининг Ғалаба фондига пул тушириши давом этмоқда. Бухоронинг бир қанча ишлаб чиқариш корхоналаридан шу куни фонд ҳисобига 100 минг сўм пул тушди.

● **7 ноябрь.** Бухоролик колхозчилар фронтга 7 тонна мева, 2 тонна гуруч, 1,3 тонна асал, 18 вагон совға-салом жўнатдилар.

● **21 декабрь.** Москва ҳимоячилари учун махсус эшелонларда янги йил совғалари юборилди. Йўлдош Охунбобоев бошчилигидаги делегация совғани манзилигача кузатиб боришди.

● **1942 йил 13 февраль.** Янгиқўрғонлик 87 ёшли колхозчи Исоқ ота Мусабоев шинель, қалпоқ, етти килограмм ёнғоқ ва 6 килограмм қуруқ мевани жангчиларга совға тариқасида юборди.

● **24 ноябрь.** Янгийўлда янги қандшакар заводи ишга тушди. Қанд лавлагидан тайёрланган илк маҳсулотга хомашёни Тошкент вилояти меҳнаткашлари етиштириб бердилар.

● **5 декабрь.** Катта қувватдаги «Совет Ўзбекистони» авиаэскадриляси қурилишига маблағ йиғиш давом этмоқда. Андижон вилояти меҳнаткашлари қисқа вақт ичида бир миллион сўм пул йиғиб бердилар.

● **1943 йил 8 март.** Термиздан Ростов вилоятининг озод қилинган ҳудудларига эҳтиёт қисмлари билан 10 та трактор жўнатилди. Тракторлар билан 10 та тракторчи ва битта малакали чилангир ҳам Ростовга йўл олди.

● **22. июнь.** Уруш бошлангандан бери ўтган икки йил мобайнида ўзбек халқи жангчиларга 500 вагон озиқ-овқат, совға-салом жўнатди. Республика меҳнаткашлари мудофаа фондига 74 миллион сўм нақд пул, 65 миллион сўм облигациялар ва 50 килограмм қимматбаҳо буюмлар ўтказдилар.

ҲАМОН ДЎСТИМНИ ЭСЛАЙМАН

● Бир қишлоқдан 13 киши

● «Душмандан аламимни олдим»

Етмиш уч ёшга кирса-да ҳали бардам, бақувват, у. Аммо қалбини, танини ҳануз жароҳат кемиради. Жангтоҳда жон берган дўстларини, уларнинг нолаларини унута олмайди. Баъзан хаёлга чўмиб, уша тўфонли кунларни эслайди.

— 1942 йилнинг июнида қишлоғимиздан 13 нафар киши фронтга жўнадик. Эшелонимиз бир ойча йўл юрди. Куйбишев, Пензада бўлдик. Горькийда жанговар тайёргарликдан ўтгач, бизларни Калинин фронтига ташлашди.

Қишлоқдошларим Турмон Остонов, Юсуф Эшматов ва Ботир Эшмуродовлар билан бир бўлинмада хизматни бошладик.

— Жангга кирган даврларингиздан гапириб берсангиз?

— Жангни эсласам этим жимирлайди. Дастлабки жангда икки томондан ҳам отишмалар бўлиб турибдию лекин менга душман кўринмасди. Аммо бир окопдан иккинчи бирига ўтиб олгунча камайиб қолардик. Тажрибасизликдан юрган кунларимиз ҳам бўлди. Ҳафталаб оч-наҳор қолган вақтларимизни эсласам даҳшатга тушаман. У кунларни биз кўрдик, аммо сизлар кўрмангизлар. Ҳар куни душман самолёти осмонга кўтарилиб, бомбардимон қиларди. Еру кўк кўринмайди денг. Шундай чоғларда 100-150 метрни бир неча соатда ҳам босиб ўтолмасдик. Кундузлари ўрмонда жон сақлаб, тунлари йўл босганмиз. Тиним билмасдик.

1943 йилнинг январь ойи оғир кечган. Тинимсиз ҳужумга ўтардик. Шу жанглар-нинг бирида дўстим Ботир оғир яраланди. Қўлимда жон берди. Бу менга энг фожиали, энг оғир кун бўлди. Дўстимни кўмиш ундан-да мушкул кечди. Шундан сўнг аламимни душманлардан олдим. Барибир дардим енгиллашмади. Ҳалиям кўнгилнинг бир четида уша дард бор.

Бир куни татар бола иккимизга разведкага бориш топширилди. Топшириқни аъло бажардик. Уч нафар душманни қўлга тушердик. Бизнинг командирлар улардан керакли маълумотларни билиб олишди.

Солдат учун қадрдон жой окоп саналади. Бу ерда жон сақлайди-да. Лекин фашистлар яшаган окопларда ҳамма қулайликлар муҳайё бўлишини кўрибқ лол қолганман. Уни қаранг-э, ҳатто бош кийимлари учун махсус жойлар қилишган улар. Жангларнинг бирида оғир ярадор бўлиб ҳушимдан кетибман...

Бир неча кундан сўнг Ленинграддаги госпиталга келтиришибди. Уч ой ўрнимдан туролмай ётдим. Бу кунлар насиб қилган экан невара-чевара, болаларимни дуо қилиб юрибман. Илоё, тинчлик бўлсин! Юртимизни ёмон кўзлардан асрасин!

Уруш ва меҳнат фаҳрийси Шаҳрисабз туманидаги Қори-Ниёзий номли мактаб боғбони Ибодулла Раҳматовнинг кўксини I, II-даражали «Ватан уруши», «Жасорат» медали ва кўплаб жанговар медаллар тўлдириб турибди.

Шукрулла АЛИҚУЛОВ,
«Туркистон» мухбири.

АБАДИЯТГА ҚЎЙИЛГАН ҲАЙКАЛ

ёхуд аммамнинг кўз ёшлари

Буюк Ғалабанинг 50 йиллиги арафасида кўп жилдли Хотира китоби чиқди. Шундай қилиб, бир йил муқаддам бошланган ҳаракат — юртдошларимиз ярим асрдан буён орзу қилиб келаётган мажмуа авваламбор юртбошимизнинг ташаббуси, қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Фахрийлар ташкилотлари уюшмаси кенгаши ва Давлат матбуот қўмитасининг биргаликда амалга оширган машаққатли меҳнатининг натижаси ўлароқ дунёга келди.

Кучли ҳаяжон ва чуқур эҳтиром билан қўлга олганим жилдларни оҳиста варақлайман. Фамилиялар, исмлар... фамилиялар, исмлар... Фалон йили туғилган... ҳалок бўлган... бедарак йўқолган...

Бор-йўқ маълумотлар шулардан иборат. Бироқ... Туғрисини айтақолай, энг қўрқинчли жанг тафсилотлари тасвирланган китоблар ҳам, фильмлар ҳам бунчалик таъсир этмаганди. Нақадар даҳшат! Юрагида ғунчалай бошлаган орзу-умидлари очилиб улгурмай бир уюм тупроққа айланган тақдирларнинг армон саслари эшитилгандай туюлади. Жилдларда ёзилишича, улар 400 минг нафар. Балки кўпроқдир...

Саҳифаларни кўздан кечиришда давом этаман... Ҳалок бўлган... бедарак йўқолган... Аждарҳо урушнинг очофат доми тасаввур «ойнаи жаҳон»ида тобора тиниқроқ жонлана боради. Келинлик либосининг охори кетмай бева қолган аёлларнинг соч толаларича, балки ундан-да зиёдроқ шаҳидлар руҳхатини ўқиб адоғига, санаб саноғига етиб бўлмайди.

...Қариб қолган, ўз таъбирлари билан айтганда, ярим жон Хатима аммам борлар. Устим одам, ичим аллазамонлар тўкилиб бўлган, дейдилар соғлиқларини сураганимизда. Кўпдан бери ошқозон яраси азоб беради. Уруш йилларида орттириб олганлар. Оти ўчсин урушнинг! Икки қизни эрсиз — оила устунисиз катта қилишнинг ўзи бўладими?

— Мавжудам қўлимда эди. Фаридам эса қорнимда қолган, отасини кўрмаган...

Кўзларда халқаланган ёш қирғоғига сиғмай, юмалаб тушади...

Хотира китобини варақлайман. Ана, топдим. Муслимов Илҳом, оддий аскар. 1945 йил майда бедарак йўқолган... Бу не кўргилик! Деярли уруш тугаган, Ғалаба эпкини эсиб, нигоҳлар Рейхстаг пештоқидан кўра кўпроқ она шаҳар-қишлоқларни, оила аъзолари, ёру биродарлар сиймосини илғай бошлаган бир пайтда-я...

Ҳа, уруш ҳар бир хонадон тақдирида ўз изини қолдирди. Гарчанд жанглар юртимиздан анча олисда кечган бўлса-да, унинг жароҳатлари, аламлари, армонлари ҳали-ҳануз одамлар қалбини ларзага солади. Бир тасаввур қилиб кўринг-а: агар уруш бўлмаганда ҳозир Узбекистон қандай бўларди?! Халқнинг энг сара ўғлонлари — 1 миллион 400 минг киши фронтга йўл олмаган, 400 минг киши ўлмаган ва...

Аллоҳ кечиримли ва бандаларига ҳам кечиримли бўлишни буюради. Аммо дунёда шундай воқеалар бўладики, бу воқеаларнинг сўнгги гувоҳлари ҳаёт билан видолашгандан кейин ҳам у келгуси авлодлар хотирасидан кўтарилмайди. Иккинчи жаҳон уруши шундай воқеалар сирасига киради. Бу урушда қанча одам ўлгани тўғрисида шу пайтгача тахминий маълумотлар келтирилади, «балки тирик бўлса-чи?» деган кўз илғамас умид учқунлари ҳамон юракларнинг қоронғу бурчакларини ёритади.

400 минг киши... Бундай йўқотишни унча-мунча халқ кўтара олмайди. Мана бугун кўриб турибмизки, ўзбек халқи, бутун Ўзбекистон халқлари — яхши кунларда дастурхон ёзиб, ёмон кунларида бир-бирини суяшга ўрганган жипс ва буюк халқ ўзлигини таниб, ўзгаларнинг ҳурматини жойига қўя оладиган даражага эришди. Зеро, тарихий ҳақиқат тикланиши, яъни Узбекистон ҳам бундан буён ғолиб давлатлар қаторида тилга олиниши керак. У бундай ҳурматга муносиб. Хотира китобида қайд этилган шаҳидлар руҳи шодланмоғи учун ҳам шундай бўлмоғи даркор. Адолат талаби ҳам шу...

Зайниддин РИҲСИЕВ.

УРУШ ЙИЛЛАРИНИНГ ЁШЛАРИ

1941 йилнинг кеч кузи. Кўпчилик синфдошларим, маҳалладош ўртоқларим урушга кетиб бўлган эдилар. Баъзиларидан қора хат ҳам келиб улгурганди. Уруш даҳшатли палласига кирганда менга чақириқ қоғози келди. Узоқ-яқин, қариндош-уруғлар, дусту биродарлар билан хайрлашиб ҳарбий комиссариатга бордим. Маълумотим бўйича слесарь эканлигимни билиб, у ердагилар мени ва яна шунга ўхшаш ҳунари бор 42 кишини алоҳида сафга тиздилар. Маълум бўлишича, шаҳримизга Москвадан Чкалов номли самолётсозлик заводи кўчиб келган экан. Заводга ҳунарманд ишчилар керак бўлгани сабабли бизни ишлаш учун олиб қолишди. Самолёт ишлаб чиқариш ҳам иккинчи фронтдек гаплигини тушунтиришди.

Ҳар қайсимизни ўз касбимиз бўйича цехларга тақсимлашди. Завод кадрлар бўлимининг бошлиғи И. Аганов мен билан яна турт кишини биринчи цехга юборди. Цех бошлиғи Павел Салдеменко бизлар билан суҳбатлашгач, мени 3-бригадага қўшиб қўйди.

Иш жуда кўп ва оғир эди. Завод эндигина кўчиб келган, ҳали станок ва механизмлар ўрнатиш, электр симларини торт-иш, бетон қоришмаларини қуйиш,хуллас, заводни ишчи ҳолатига келтириш керак эди. Ҳаммамиз 2-3 сменада қолиб ишлар эдик.

Биз ишлаётган цех заводнинг юраги ҳисобланарди. 1942йилнинг ёзида бригадамиз иккига бўлинди. Мени 9-цехга ишга ўтказиб, у ердаги 12-15 ёшли йигитлардан ёшлар бригадаси тузишни айтишди. Бу ёшлар шўх, меҳнатга ўрганмаган, ўйинқароқлиги бор йигитлар эди. Мен уларнинг 14 нафарини йиғиб, ҳаммалари билан суҳбатлашдим. Ҳар бирининг феъл-атвори, дунёқарашини ўргандим; оилавий аҳволи билан танишиб, шундан келиб чиққан ҳолда муомала қилишга ҳаракат қилдим. Бора-бора улар ишга меҳр қўя бошладилар. 9-цех ёшлар бригадаси заводда ҳамманинг оғзидан тушмай қолди. Ойлик режаларимиз 100-110 фоиз қилиб бажарилар эди. Мени завод ёшлар қўмитаси бюро аъзоси қилиб сайлашди.

Бир куни завод комсомол қўмитасининг котиби мени ҳузурига таклиф қилиб, шундай деди:

— Рихситилла, ўзингиз кўриб турибсиз, заводда маҳаллий миллат вакиллари жуда озчилик. Яхши ишчилардан топиб, уларни заводга жалб қилиш керак. Шу ишга ўзингиз бош-қош бўлсангиз...

Топшириқ олгач, бир нечта шогирдларим билан Урда, Лабзак,Шовли, Оқ мачит, Кўк мачит, Қаймоқ бозор, Қашқар даҳаларига бориб, ота-оналар билан гаплашиб, бекор юрган йигит-қизлардан 93 нафарини ишга олиб келдим. Уларнинг қарийб ярми қизлар эди. Ҳаммаларини ўзлари хоҳлаган касблари бўйича цехларга жойладик. 27 нафар ёшга ўзим слесарлик касбини ўргатдим.

Уша кезлар учта ҳунар техника билим юртига ишчи ёшларни етказиб бериб туриш топширилган эди. Бу ўқув юртларида 1200-1500 нафар ёш ҳунар эгалларди. Ҳар 3 ва 6 ойда ўқишни тугатган йигит-қизлар келиб, ишчилар сафини тўлдирарди.

1944 йилнинг охирида мени 14-Ф. З. О. мактабига устоз-мураббий вазифасига ўтказишди. Бу ерда ҳам самолётсозлар тайёрланарди. Кўпинча дарсни заводнинг ўзида, иш жараёнида ўтказардик. Ўқувчилар режа қабул қилиб, уни ортиғи билан бажаришга ҳаракат қилишар эди. Собира Аҳмедова, Калом Раҳимберганов, Раҳим Болтаевлар барчага ўрнак эдилар.

Ёдимда. 1945 йил 23 февраль куни оқшомда армиямизнинг байрамини нишонламоқчи бўлишиб ҳамма ёшлар йиғилишди. Мусиқа муаллимаси бетоблиги туфайли кечага келолмай қолди. Шунда ёшлар ўзлари мусиқа асбобларисиз — тоғора, челакларни чалиб шунақанги давра қилишдики, рақсга тушганам тушди, тушмаган ҳам. Қўлбола «мусиқа асбоблари» ёрдамида шўхшўх ашулалар айтилди. Уша куни ҳаммамиз мазза қилиб яйрашдик.

1945 йил 9 май куни завод ҳовлисида ёшларга янги устибошларни тарқатиб турган эдим. Шогирдларимдан иккитаси узоқдан бақирганларича чопиб келиб бўйнимдан қучоқлаб олишди:

— Уста, уста... ўлмагайсиз, уста, уруш тугабди. Ғалаба! Ғалаба, уста! Кўчада байрам, ҳамма йиғлаяпти...

Рихситилла ҲУСАНОВ,
Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи, Меҳнат Қаҳрамони.

Орамиздаги одамлар

ЭЛ ДАРДИ ДЕБ...

Бошқаларга ухшаб «Менинг ишимни халқ баҳолайди», деб кўкрак кермади у. Қилган ишини кўз-кўзлашдан, мақтанишдан, бировга ҳасад қилишдан йироқ эди. Шунинг учун ҳам бугун тўрткўлликлар уни ардоқлайди...

...Пошша Бобожонова. Бу ном тўрткўлликларга жуда таниш. Қарийб 50 йилдан буён ўз эл-дошларининг қувонч-ташвишларига шерик бўлиб, фаровон турмуш йўлида улар билан баб-баравар қадам ташлаб, келаётган бу аёл оқилалиги, зукко ва ишбилармонлиги, ташкилотчилиги, ҳаққонийлиги билан халқ орасида иззат-икром, ўзига яраша обру-эътиборга сазовордир.

1934-35 қаҳатчилик йиллари. Луначарский номли ўрта мактаб юқори синф ўқувчиси Пошша Бобожонова акаси ишлаётган Тўрткўл туман босмахонасига дарсдан бўш вақтларида ҳарф терувчи бўлиб ишга кирди. Улар оилада уч ўғил ва беш қиз эдилар. Отажон ака ва Реймажон опалар эрта-кеч қора меҳнат қилиб, топганларини болаларининг оғзига тутишарди. Зеҳни ўткир, тиришқоқ Пошша опа оиладаги етишмовчилик, танқислик туфайли ишга кирган эди. Аслида толенинг унга шу куни кулиб боққан экан. Одамлар билан хушмуомала Пошша Бобожонова умр суқмоқларида қанчадан-қанча ғов, тусиқ ва машаққатларга дуч келса-да ҳеч ҳам орқага чекинмади.

— Ёшлигимиз уруш йилларига тўғри келган деб эслайди Пошша опа. Аммо, биз тушкинликка тушмаганмиз. Фақат меҳнат қилганмиз.

Уни Тўрткўл тумани фирқа қўмитаси кадрлар бўлимига ҳисобчи қилиб ишга қабул қилганларида биринчи котибга, «масъулиятли ишни мактаб кўрмаган, тажрибасиз, ёш бир қизалоққа ишониб топширасизми», дея ичичидан эътироз билдирганлар ҳам бўлди.

— Халқ ишончига сазовор бўлиш осон, лекин уни оқлаш қийин, — дерди туман фирқа қўмитасининг уша пайтдаги биринчи котиби, марҳум Юнус Ибароҳимов. — Майда-чуйда гапларга уралашиб қолманг, сизга дардини тўкаётган одам, билинг, сиздан нажот сўраб келади.

Бу йил ўрта мактабни туманда минг нафардан ортиқ йигит-қиз тугатади. Уларни иш билан таъминлаш бизнинг вазифамиз...

Бир гал фаоллар йиғилишида Пошша Бобожонова ўз фикрини ўртага ташлади. — Туманда янги иш ўринлари барпо қилиш керак. Туман тўқимачилик ва ип йигирув фабрикаси ана шу тариқа дунёга келди. Ҳозир унда мингдан ортиқ йигит-қиз меҳнат қилмоқда.

Пошша опа уша машаққатли йилларни хотирлар экан, фаол хотин-қизлардан марҳум Дунди Рўзимова, Ҳуржон Қучқорова, Зумрад Баҳриддинова, фирқа ва меҳнат фахрийси Марям Отажонова, Урқия Камолова, шифокорлар Алефтина Шаталовалар қиёфасида туманимиздаги кўпгина хайрли ўзгаришлар, муваффақиятлар юзларини кўргандек бўлади. Марказлашган туман касалхонаси, «Тўрткўлчи» стадиони, кўплаб турар-жой ва маъмурий бинолар қад ростлади, Элликкалъа ва Ёнбош даҳаларида янги ерлар ўзлаштирилди.

1957-1959 йилларда халқ депутатлари Тўрткўл шаҳар Кенгашининг раисаси сифатида фаолият кўрсатган даврда ҳам Пошша опа ҳамиша халқ билан бирга, ҳамкор ва ҳамнафас бўлишга оғирини енгил қилишга тиришди. Иш жойларида хотин-қизларга ишлаши, дам олиши учун қулай шароитлар яратиб берилишига алоҳида эътибор берди. 1959-1966 йиллар ҳаётида учмас из қолдирди. Нукус шаҳрида яшаб, турли лавозимларда бир-бир ҳаёт синовларидан ўтди. Қорақалпоғистон Олий Кенгаши Раёсати котиби, кейинроқ Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши маъмурий бўлими мудири лавозимларида ишлади.

Узбекистон Республикаси аҳамиятига молик шахсий нафақахўр, фирқа ва меҳнат фахрийси Пошша опани тўрткўлликлар бир зум ҳам ёлгиз қўйишмайди. У яшаётган хонадон ҳамиша одамлар билан гавжум. Кимдир маслаҳат сурашга, ҳол сурашга келади . Опа ҳурсанд. У ўтган кунларни эсласа нур тўла кўзларида шукроналик туйғулари ёғдуланади. Пошша опа ҳамиша одамларнинг ташвиш ва қувончлари билан руҳан тетик. Пошша опа 70 ёшни қоралаган бўлса-да ҳамон бардам, ёшлар орасида. Дошмандларимиз одамнинг тафтини одам олади, деб бекорга айтишмаган.

Хадича ИБОДУЛЛАЕВА ,
Гулчеҳра РАҲИМОВА.

Бош муҳаррир ўринбосари
Зайниддин МАМАДАЛИЕВ
Туркистон
Эшик беб, юртини беб деб аталсо керак!
TURKISTAN

Таъсис этувчи:
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ

ТАҲРИРИЯТ:
хатлар ва оммавий ишлар — 32-54-65; ёшлар сиёсати, ҳамда фан ва халқ таълими — 32-57-93; ижодкор ёшлар — 32-57-52; иқтисод, қишлоқ ёшлари, спорт ва ватанпарварлик — 32-55-81; ахборот ва бадиий безаш — 32-53-98; қабулхона — 32-56-58.

МАНЗИЛИМИЗ:
700083 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 32—уй
Нашр кўрсаткичи 64607

Газетамиз ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.
Қўлёзмалар ҳамда суратлар муаллифларга қайтарилмайди ва таҳлил этилмайди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00012
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси
Буюртма Г. —— 0200
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41
22006 нусхада босилди, ҳажми —— 2 табоқ.
Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2
Босишга топшириш вақти ——21.00
1 2 3 4 5 6